# МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИГА 7 КУН ҚОЛДИ

## БУ — МЕНИНГ БАЙРАМИМ!
## БУ — СЕНИНГ БАЙРАМИНГ!
## БУ — ҲАММАМИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ!




*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

24 август, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 171 (1424)


## ИСТИҚЛОЛ КАЛЕНДАРИ

### 1994 ЙИЛ 1 ИЮЛЬ

**_Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги 1994 йил 16 июнь куни чиқарган Фармонига биноан, ўша йил 1 июлдан эътиборан мустақил республикамизнинг миллий валютаси-сўм муомалага киритилди._**

Айтиш жоизки, юртбошимизнинг ушбу Фармони Ўзбекистон истиқлолининг асосларини тобора мустаҳкамлаш йўлидаги тарихий қадамлардан бири бўлди. Чунки миллий валюта — байроқ, герб, мадҳия, Конституция каби давлат ва халқ рамзи, мустақилликнинг муқаддас белгисидир. Халқимиз бу кунни орзиқиб кутган эди. Улар сўмнинг қадамини ҳосиятли билиб, катта шоду ҳуррамлик билан қарши олдилар.

Фармонда белгиланганидек: «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — «Сўм» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 «Сўм» бўлган қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 «Тийин» бўлган металл тангалар ҳолида нақд пул муомаласига» чиқарилди ва 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Сўм» қонуний тўлов воситаси вазифасини бажара бошлади. Янги пул бирликлари республикамиз худудида мулкчилик шаклларидан қатъий назар, ҳамма жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек, банклар томонидан омонатларга ва ҳисоб варақаларига қўшиб қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши Фармонда қатъий белгилаб қўйилди.

Янги валютамиз ниҳоятда гўзал ва нафис ишлангандир. Уларнинг чиройли миллий шаклларида муқаддас обидаларимизнинг тасвири акс эттирилган. Ипак пахтамизнинг майинлиги, тарихий ёдгорликларимизнинг жаҳонда мисли йўқ улуғворлиги, қуёшимизнинг заррин саховати, водийларимизнинг яшиллиги — ҳаммаси миллий валютамизда ўз мужассамини топгандир. Шунингдек, янги пул бирлигимизда буюк аллома Алишер Навоийга қўйилган ҳайкалнинг мовий тасвири, ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд мақбарасининг нурга йўғрилган сурати ҳам тасвирланган. Бу улуғ сиймоларимизнинг руҳи миллий пулимизни ҳалол меҳнат билан ишлаб топадиган ва ундан яхши мақсадлар йўлида фойдаланадиган кишиларимизни қўллаб-қувватлайди, иншооллоҳ!

Янги валютамиз муомалага киритилгандан буён орадан икки йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Бу давр ичида у ўз қадрини мустаҳкамлаб, ишончли тўлов воситасига айланди. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда ўзбек сўми кун сайин қаддини кўтариб, жаҳонга юз тутиб бормоқда.

# ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олмати. 23 август (ЎзА махсус мухбири Аҳмад ХЎЖА хабар қилади).

БУГУН ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚОЗОҒИСТОН ПОЙТАХТИГА КЕЛДИ. БУ ЕРДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИ ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛДИ.

Кенгаш қатнашчиси бўлган давлатлар бошлиқлари — И. Каримов, А. Акаев, Н. Назарбоев Марказий Осиё минтақасида интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш, мазкур мамлакатлар ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий маконни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Россия ва Тожикистонни давлатлараро кенгашига кузатувчи сифатида қабул қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу кунларда қозоқ халқи атоқли оқин Жамбул Жабаев таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонламоқда. Олматидаги республика саройида ана шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбарига Олмати сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Сафар ҳақидаги батафсил ахборот матбуотда эълон қилинади.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

# СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

**_Республика Адлия вазирлигида «Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати тўғрисидаги қонунларни ривожлантириш муаммолари ва тамойиллари» мавзусида семинар ўтказилди._**

Анжуман Адлия вазирлиги ҳамда Европа Иттифоқи комиссиясининг «Таъсис» дастури ташаббуси билан уюштирилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, шунингдек Европа Иттифоқи «Таъсис» дастурининг вакиллари иштирок тди.

Анжуман иштирокчиларини Европа Иттифоқи комиссиясининг «Таъсис» дастури бошлиғи Х. Марже самимий қутлади.

Учрашувда таъкидланганидек, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш учун зарур барча шароит яратилган. Давлат хизматчиларининг мақомини белгилаб берувчи қонун қабул қилиш зарурати ҳам етилди. Чунки иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан бошқарув ходимларини тайёрлаш савиясига, уларнинг республикада ўзгаришларни амалга ошириш қобилиятига боғлиқ. Бу эса, мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши даврида айниқса муҳимдир.

Давлат хизматини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди, бутун қонунчилик фаолиятида республика Конституциясининг устуворлиги таъкидланди, ўзбекистонлик ҳуқуқшуносларнинг Европа Иттифоқи «Таъсис» дастури билан ҳамкорлигининг аҳамияти тўғрисида гапирилди.

Семинарда давлат хизмати ва давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун лойиҳаси бўйича тавсиянома қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# АЁЛЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛСИН, ЁШЛАРИМИЗ ҲАМ!

Наманганда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жамият тараққиётида хотин-қизларнинг тутган ўрни ва уларни иқтисодий муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган семинар бўлди. Семинар республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилди. Унда вилоятдаги бир қанча шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, аёл раҳбарлар ва тадбиркорлар, вилоят хотин-қизлар қўмитаси фаоллари иштирок этди.

Семинар иштирокчилари аёл раҳбарлар муваффақият билан бошқараётган бир неча хусусий фирмалар иши билан танишди.

Семинарда республика Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова иштирок этди.

* * *

Айни пайтда Наманганда «Камолот» ёшлар жамғармаси ва республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Конрад Аденауэр номидаги жамғарма ҳамкорлигида ёшлар учун ҳам семинар ўтказилди. Семинар иштирокчилари ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тезлаштириш ҳамда республикамизда кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришга кўмаклашишни қўллаб-қувватлаши борасидаги имконияти масалаларини муҳокама қилдилар.

Семинар ишида республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов иштирок этди.

**(ЎзА).**

# «ВАТАНПАРВАР»НИНГ БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА ҚУРУЛТОЙИ

**_23 август куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг биринчи қурултойи бўлди. Қурултойда мазкур ташкилот Марказий кенгашининг раиси генерал-майор Ж. Шоҳмардонов маъруза қилди._**

Маърузада ва қурултой делегатларининг нутқларида «Ватанпарвар» ташкилоти республика Президенти Ислом Каримовнинг, ҳукуматнинг ғамхўрлиги ва мададини доимо ҳис этиб тургани таъкидланди. Бундай ғамхўрлик ва мадад туфайли «Ватанпарвар» жамоат ташкилоти республика мудофаасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, ёшларни меҳнатга, Ватанни мудофаа қилишга тайёрлаш, спортнинг техник турларини ва техника ижодкорлигини ривожлантириш, фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида муҳим вазифаларни ҳал этишга муваффақ бўлди.

Қурултойда мудофаага кўмаклашувчи ташкилотнинг барча тузилмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш — ташкилотнинг бундан буёнги самарали фаолиятининг асосий шарти экани алоҳида қайд этилди. Бу иш, айниқса, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида яхши йўлга қўйилгани таъкидланди. Жамоат ташкилотининг Самарқанд шаҳар кенгаши фаолияти намуна қилиб кўрсатилди. Бу ерда сўнгги 2-3 йил ичида бошланғич ташкилотлар сони тез кўпайган.

Қурултойда «Ватанпарвар» бугунги кунда ўттиздан ортиқ касб бўйича мутахассислар тайёрлаётгани қайд этилди. Илгари ДОСААФ 10 хил касб бўйича мутахассис тайёрлар эди, холос. Сўнгги беш йил ичида ўн минглаб техника мутахассиси тайёрланди.

Ташкилот фаолиятида оммавий касбдаги техника мутахассислари тайёрлаш алоҳида ўрин тутади. Беш йил мобайнида юз минглаб ана шундай мутахассислар тайёрланди. Бу вазифанинг ҳал қилиниши мудофаа соҳасида ҳам, халқ хўжалигида ҳам катта аҳамиятга эга. Бу иш Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти, Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятлари мудофаага кўмаклашиш ташкилотларида яхши йўлга қўйилган.

Қурултойда ана шу ижобий натижалар билан бир вақтда «Ватанпарвар» фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам гапирилди, уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди. Бу масала ҳисобот маърузаси юзасидан қурултой қабул қилган қарорда ўз аксини топган.

Қурултой мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий кенгашини сайлади. Генерал-майор Ж. Шоҳмардонов қайтадан Марказий кенгаш раиси этиб сайланди.

Қурултойда республика мудофаа вазири, генерал-полковник Р. Аҳмедов нутқ сўзлади.

**(ЎзА).**

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 23 августда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

**Сотув ҳажми 36,73 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 39,00 сўм даражасида қайд этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 24 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 30,86 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,72 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 60,47 |
| 10 Бельгия франки | 12,72 |
| 1 Голландия гульдени | 23,36 |
| 10 Греция драхмаси | 1,64 |
| 1 Дания кронаси | 6,78 |
| 1 БАА дирхами | 10,62 |
| 1 АҚШ доллари | 39,00 |
| 1 Миср фунти | 11,50 |
| 1 Ирландия фунти | 62,72 |
| 1 Исландия кронаси | 0,59 |
| 10 Испания песети | 3,10 |
| 100 Италия лираси | 2,57 |
| 1 Канада доллари | 28,49 |
| 10 Хитой юани | 0,47 |
| 1 Қувайт динори | 130,33 |
| 100 Ливан фунти | 2,50 |
| 1 Малайзия ринггити | 15,65 |
| 1 Германия маркаси | 26,19 |
| 1 Норвегия кронаси | 6,05 |
| 1 Польша злотийси | 14,23 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,55 |
| 1 Сингапур доллари | 27,66 |
| 1000 Туркия лираси | 0,45 |
| 1 Финляндия маркаси | 8,63 |
| 1 Франция франки | 7,68 |
| 1 Швеция кронаси | 5,90 |
| 1 Швейцария франки | 32,32 |
| 1 ЭКЮ | 49,34 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,48 |
| 10 Япония иенаси | 3,60 |
| 1000 Россия рубли | 7,34 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,22 |
| 1000 Белорусь рубли | 2,75 |
| 1 Эстония кронаси | 3,27 |
| 1 Латвия лати | 71,04 |
| 1 Литва лити | 9,75 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,58 |
| 1 Қирғизистон соми | 3,19 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

*• Жаҳон матбуоти саҳифаларида*

**Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ:**

# ЎЗГАНИНГ ИЗИДАН ЮРИШГА ШОШИЛМА

**_Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни кўпинча амалиётчи, деб аташади. Буни у инкор этмайди. Жуда бўлмаганда у маҳмаданаликка, қандайдир сиёсий мавҳум гапларга қатъий реалликни қарама-қарши қўяди. Зеро, унинг фикрича, ғояга ўзича аллақандай қимматли нарса деб эмас, балки, энг аввало, ҳар кунги фаолиятнинг воситаси, деб қараш лозим._**

**_Мана, Ислом Каримов Ўзбекистондаги замонавий жараёнлар ҳақида ва мамлакатнинг янги аср бўсағасидаги халқаро сиёсий ва иқтисодий манфаатлар миқёсида кўзда тутган мақсадлари тўғрисида нималар дейди. Хусусан:_**

## ...СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР ҲАҚИДА

Бугун бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳа бошида турибди — биз республикани миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий жиҳатларда янгилайдиган ўз йўлимизни ишлаб чиқишимиз лозим.

Бунда мустаҳкам бозор иқтисоди, очиқ ташқи сиёсатга таянган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш бош мақсад бўлмоғи керак.

## ЯНГИЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ ҲАҚИДА

Бошқа давлатлар тараққиётида ижобий натижалар берган ва республика шароитида қўллашга мос бўлган барча самарали тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини биз инкор этмаймиз. Шунинг билан бирга муайян усулни, гарчи бундай усул бирор-бир мамлакатда ижобий самаралар берган бўлса-да, кўр-кўрона қўллаш биз учун мутлақо маъқул эмас, деб биламиз. Маълумки, аниқ восита ва усуллардан келадиган самара бевосита уларни қўллаш мўлжалланган мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитларига боғлиқ. Аксинча, чиройли бўлиб туюлган, бироқ шароитга зид усулларни сунъий равишда жорий этилган жойларда иқтисодий ислоҳот, шубҳасиз, инқирозга юз тутган. Шу боис бизнинг ҳал этилиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларимиз ўзига хос ёндашувни талаб этади. Миллий урф-одатлар, мусулмонча турмуш тарзи ва шарқона маданий тараққиёт шуни талаб этади.

## ГЕОПОЛИТИК ҲОЛАТ ҲАҚИДА

Ўзбекистон — Марказий Осиё ҳудудининг қоқ ўртаси, бу ҳудуддаги қўшни республикаларни ўзаро боғлаб турувчи бўғин. Тарих тақозоси туфайли Ўзбекистон Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосиёнинг бош йўллари кесишган жойда жойлашган. Бу Буюк ипак йўлига муқобил, Евроосиё иқтисодий ва илмий-маданий кўпригини қуришнинг узоқ муддатли истиқболини олдинга суришга имкон беради. Республикада давлатлараро товар, капитал, ишчи кучлари транзити ва иқтисод, маданият ҳамда сиёсат соҳаларидаги миллий манфаатлар интеграциясининг ўзига хос ҳудудий марказига айланиш учун барча имкониятлар бор.





Ҳозир биз Пекинни Истанбул билан боғлайдиган Трансосиё магистралининг асосий қисми ҳисобланувчи Тажен — Серахс темир йўл тармоғи қурилишида ҳиссали ҳисоб асосида иштирок этаяпмиз. Шунингдек, Каспийдаги Оқтов бандаргоҳи таъмирида ва Хитой ҳамда Покистонга чиқишга имкон берадиган Андижон-Ўш-Эргаштом-Қашқар, Ҳинд океанига чиқишга йўл очадиган Термиз — Ҳирот-Карачи автомобиль йўлларини таъмирлаш ва қуришда ҳам бизнинг иштирокимиз кўзда тутилаётир.

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон валютани ўзи ишлаб топаётир, боз устига буни ғоятда уқувли, ақл-идрок билан амалга ошираётир. Биз ҳар қандай чет эл фирмаси кетидан қувмаймиз, балки танлов эълон қиламиз ва бу жараёнда танлаш бизнинг инон-ихтиёримизда. Биз жаҳон мамлакатларига садақа сўраб бормаймиз, балки ўзаро манфаатли ҳамкорликка интиламиз. Барқарор шарт-шароит, инвесторларга берилган имтиёзлар чет эл капиталини жалб этишда бизнинг имкониятларимизни оширмоқда.

## МДҲДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲАҚИДА

МДҲ давлатлари билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янгича йўсини туфайли биз ўзаро савдо-сотиқда ижобий натижаларга эришдик.

Ўзбекистон Ҳамдўстликка кирувчи давлатлар билан ўз муносабатларини кўпёқлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ва келишувлар асосида ҳам, тўғридан-тўғри икки ёқлама алоқалар, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар асосида ҳам қуришни мақсад қилган.

Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан ўзаро муносабатларидаги муҳим масала — бу мустақил Россия билан тенгҳуқуқли алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ва унинг имкониятларига таянишдир.

## ТОЖИКИСТОН ҲАҚИДА

Фақат Тожикистон эмас, шу билан бирга Афғонистондаги бугунги вазиятдан келиб чиқиб, тожик-афғон чегарасидаги аҳволга қаратилаётган эътиборни етарли, деб айтиш қийин. Ҳали бу жанжалнинг кўлами ва оғир оқибатлари, бутун жаҳонга етказиши эҳтимоли бўлган мудҳиш жароҳатлари тўлалигича тушуниб етилгани йўқ.

Ўзбекистон экстремизм, террорчилик, диний маҳдудликнинг ҳар қандай кўринишларини қатъий қоралайди ва жанжални, муаммоларни сиёсий воситалар орқали тинч йўл билан, қарама-қарши томонларнинг музокаралари орқали бартараф қилинишини ёқлайди.

***

**... Ислом Каримовнинг айтган ушбу фикрлари — ўз вақтида «Соғлом тафаккур стратегияси» деб номланган, Ўзбекистоннинг янгиланиш йўллари, шунингдек, республиканинг жаҳондаги ўрни ҳақида Президентнинг концепциясидан олинган айрим чизгилар. Бу концепция тўлалигича «Палея» нашриётининг «XX аср халқ доҳийлари» туркумида нашр этилган «Барқарорлик ва ислоҳотлар» номли китобида ўз аксини топган. Яқинда Москвадаги Ўзбекистон элчихонасида ушбу нашрнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Китоб муҳокамасида иштирок эттанларнинг фикрига қараганда, бу асар бутун собиқ совет ҳудудида кечаётган бугунги улкан ижтимоий ўзгаришлар ва келгуси асрда қандай ижтимоий-сиёсий тамойиллар қарор топиши билан қизиққан кишиларнинг эътиборини жалб этиши шак-шубҳасиз.**

**Александр ШИНКИН,**
**«Российская газета».**

***Канаданинг «Торонто стар» газетаси келажак компьютерлари ҳақида ҳикоя қилди. Газетанинг ёзишича, бутун жаҳон компьютер инқилобининг кейинги қадами кўринмас компьютерлар яратиш билан боғлиқ бўлади. Ҳозирданоқ АҚШ Қуролли кучларида аскарларнинг марш-брослар олдидан компьютер таблеткалар истеъмол қилиши йўлга қўйилди. Мазкур компьютернинг афзаллик томони шундаки, у югураётган аскарнинг тана ҳарорати ошиб кетганида унинг югуришини тўхтатиш лозимлиги ҳақида офицерга сигнал беради. АҚШ Ҳарбий-денгиз кучларида эса ярадор бўлганларга тезкор ёрдам бериш лозимлиги ҳақида медикларга хабар берилган, компьютер кийимлар яратиш устида иш олиб борилмоқда. Газетада ёзилишича, бундай компьютерлар учун энергия манбаини қидириш асосий муаммо ҳисобланади. Маълумки, батерeяларнинг оғирлиги ва уларни мунтазам алмаштириб туриш зарурлиги туфайли ундан фойдаланиб бўлмайди. Шу туфайли Массачусетск технология инситутида инсон танасидан қувват оладиган компьютерлар яратиш имкониятлари ўрганилмоқда, деб хабар беради «Торонто стар».***

***

***«Вашингтон пост» газетаси америкалик неонацист Гэри Лаук устидан Гамбургда бўлиб ўтган суд жараёни ҳақидаги материални чоп этди. Лаук ирқий нафратни тарғиб қилганлиги ва тақиқланган ташкилотларнинг рамзларидан фойдаланганлиги учун 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Лаук адвокатларининг фикрича, у жазоланишга сабаб бўлган омиллар билан шуғулланиш Қўшма Штатларда бутунлай мумкин ва қонуний асосга эга. АҚШ Конституцияси тўлиқ сўз эркинлигини кафолатласа-да, айни пайтда худди Германиядаги каби бу ерда ҳам фашистча ва антисемитча нашрларни тарқатиш тақиқланади.***

***Лаук 1995 йил сентябрда Данияда неонацистлар ташкилотининг конгрессида қатнашаётган чоғида ҳибсга олиниб, Германия ҳукумати ихтиёрига топширилган эди. У 20 йил давомида нацистлар рамзлари ва брошюраларини Германияга олиб кирганлиги немис ҳукуматига уни ҳибсга олиш ва топшириш учун ҳуқуқий асос беради.***

***

***Британиянинг «Дейли телеграф» газетасида Голливуд кино юлдузи Мэрлин Монронинг 1962 йил 4 августдаги сирли ўлими сабаблари ҳақидаги мақола эълон қилинди. Бугунги кунда актрисанинг ўлими ҳақида жуда кўплаб тахминлар мавжуд. Далилларнинг шаҳодат беришича, аслида у ўзини ўзи ўлдирмаган. Мэрлин Монро биографларининг айтишларича, актриса АҚШнинг ўша пайтдаги Президенти Жон Кеннедининг укаси Роберт Кеннедининг буйруғи билан ўлдирилган. Сабаби, Мэрлин Монро унинг жазмани бўлиб, Вашингтоннинг сиёсий ўйинларидан ҳам бохабар эди ва агар Роберт Кеннеди унга уйланмаса, бу сирларни ошкор қилиш билан уни чўчитган. Монронинг дўстларидан бири актриса билан сўнгги учрашувини хотирлашича, у ўлими арафасида Кеннедининг дўқ-пўписаларидан жуда хавотирга тушган ва бу ердан бош олиб кетишини айтган. Кейинги кунлардан бирида эса ўз тўшагида ўлиб ётган ҳолда топилган. Унинг врачи Мэрлин Монро ака-ука Кеннедилар буйруғи билан ўлдирилганлигига бутунлай ишончи комил, деб ёзади «Дейли телеграф».***

# БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

*Таниқли ёзувчи ва шоир Йўлдош СУЛАЙМОН Фарғона водийсининг Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги манзаралари, кишиларнинг кайфияти, қалтис замоннинг даҳшатлари, муҳаббатнинг куч-қудрати ҳақида янги роман ёзди.*

*Қуйида ана шу «Армон» романидан парча ҳавола этяпмиз.*



# АРМОН

(РОМАНДАН ПАРЧА)

## ЮЗМА-ЮЗ

Ҳидоятилло ухлаяптими, йўқми билиб бўлмас эди. Сирож Соҳибов билан Салмон отанинг бир-бирларига айтадиган, бир-бирларидан сўрайдиган гаплари кўп, аммо икковлари ҳам «аввал сен бошла» дегандай жим қолишди.

— Сизни ҳам Сирож Соҳибовнинг думи деб олиб келишгандир, — деди Сирож Соҳибов ҳийла давом этган жимликни бузиб, — мен билан яқинлигингизга пушаймон эмасмимиз?

— Бу гапдан нима фойда? — деди Салмон ота ўйланиб, — Ўзимиз қурган Шўро, наҳотки, ўзимизни халқ душмани деб айбласа!

— Унсурларнинг иғвоси бу! — Сирож Соҳибов ўрнидан туриб кетди. — Қаршимизда ҳали қанча чангалзорлар, ботқоқликлар, ошиб ўтишимизни кутаётган тоғлар борлигини кўрмай карнайни эртароқ чалганга ўхшаймиз.

— Ҳай-ҳай, энди ўзингизга келяпсиз, домлаи киром, — бошини буркаб ётган киши ўрнидан диккилаб туриб кетди. Сирож Соҳибовга ёқимсиз илжайди. — Кеча мақтанчоқликларингизни айтсам жуда баланд келиб, бошимни оғритдингиз.

— Ўзингизни ухлаганга солиб, гап пойлаётган экансиз-да!

— Йўғ-э, аввал меҳмон билан омонлашиб олайлик, — дея Ҳидоятилло ҳазрат ўрнидан туриб, «бахайр-бахайр» деб Салмон отага қўл узатди. Ҳазрат ўрта бўйдан пастроқ, юзлари чўзинчоқ, бурни қиррали, киприксиз кўзларининг атрофи қип-қизил эди, худди киприкларини биров ҳозиргина юлиб олгандай. Ҳазрат салом-аликдан кейин ҳам ўзига ихтиёр-беихтиёр кўз қадаётган Салмон отага:

— Қизамиқ касридан кўзларимиз соқчисиз қолган, — деди одамнинг иштаҳасини бўғадиган кўзларини «мана, ол» дегандай қадаб, — Сочингиз оқарганда сизни ҳам безовта қилишибди-да!

Салмон ота аввал хижолат бўлди, кейин нафратланди, унинг гапини эшитмаганга олиб:

— Қачон сўроқ қилишади, — деб сўради.

— Халқ душманлари кўпайиб кетганидан улгуролмай қолишяпти, — деди ҳазрат Сирож Соҳибовдан бурун гапни олиб, — икки кундан буён тўртта-бешта жўхори, бир коса суюқ келтириб, иззатимизни жойига қўйиб турибди. Иккаламиз ҳам «худо» деб ётибмиз.

— Мени ўзингизга қўшиб нима қиласиз, — деди Сирож Соҳибов кескин, — мен худосиз одамман!

— Мен саъй қиладурманки, дилингизда худо бор. Биласизми, худосизлик душманнинг бошига ҳам тушмасин. Кимки худосиз бўлса, кўзлари ҳам, юзи ҳам совуқ бўлади. Сиз фақат ўз кўнглига бўйсунмайдиган қайсарлар тоифасидансиз, йўқ, бундай эмас, — деди у бир оз тўхтаб. — Сиз алдамчи замонга алданганингизни биздан эмас, ҳатто ўзингиздан ҳам яшираётган одамсиз!

— Бўлди-бўлди, — деди Сирож Соҳибов, — Сиз бизни ҳеч қачон тушунмайсиз. Тўхтатинг ваъзхонликни. Жонимга тегиб кетдингиз!

— Сиз ҳали ҳам осмонда юрибсиз, — деб Ҳидоятилло ҳазрат шошилмасдан ўрнига чўзилди. Сирож Соҳибов унинг кинояли жилмайганини кўриб кўрмасликка олди. У Салмон отадан нималарнидир, кимларнидир суриштириш, ўзига нисбатан ташқарида бўлаётган гап-сўзларни эшитиш умидида унга қараб-қараб қўяди. «Нима бўлди, бу добрга? — ичида ўйлади. — У келиб кўнглим нега ёришиш ўрнига қоронғулашяпти? Кўзларининг ич-ичида кўринаётган ғусса қўрқоқликданми, аламданми, ё қариб мияси айниб, ўз эътиқодидан қайтаётганиданми? Дарвишали, Нуриддин, Шералиевлар тинчмикин? Ҳатто овқат олиб келадиган соқчи «учрашиш манъ этилганини била туриб, сизни сўраб, устма-уст одам келяпти» деган хабарни айтиб, менга куч берди. Одамлар, одамлар, мени сўраб келибсизлар, ҳа-ҳа, менга ишонасизлар! Алдансам алданган-дирман, аммо бахтлиман. «Менга одамлар ишонади! Фотима, ҳаётга келиб, ҳеч бир ҳузур-ҳаловат кўрмай ўтган Фотимажон, — Сирож Соҳибов бундан ўн тўрт йил бурун ер-сув ислоҳотининг душманлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилган хотини Фотимахонни, икки ўғлини эслаб, тебраниб кетди. — Қанча-қанча орзуларимиз бор эди. Қанисиз, болаларимизни ўйлаб, ширин хаёллар бағрида уйқумиз қочиб, кўз юммай тонг отдирган вақтларимиз? Фотимажон, қанисан, қанисиз, эй, ўғилчаларим? Кўпларнинг менга «ҳеч кими йўқ» деб ачиниб қарашини сезиб, «атрофимда шунча яқин одамларим борку» деб ўзимга далда берар эдим. Ўша яқинларим орасида мана бу Салмон добр алоҳида кўриниб турар эди. Энди ўйласам, энг яқини сен экансан, Фотимажон, сен ўлимингдан кейин ҳам мен билан биргасан, ҳозир ҳам сен билан гаплашиб, ором оляпман!» — Сирож Соҳибовнинг қулоғига ширин садо эшитилгандай бўлиб, кўзларини юмди.

— «Эшитяпсанми?»

— «Эшитяпман!»

— «Бу — мен»

— «Ҳа, бу сен, Фотима!»

— «Соғлиғингиз қандай, юрагингиз яна хуруж қилмаяптими?»

— «Ўзинг биласан-ку, аммо уни ўзимга бўйсундиряпман!»

— «Маҳкам бўлинг, содда дилим».

— «Маҳкамман. Ўзимни оқлаб оламан».

— «Ҳали ҳам оппоқсиз, ўшаўшасиз».

— «Ўзгармайман. Туҳмату бўҳтонлар ҳам мени ўзгартира олмайди».

— «Эслайсизми?»

— «Нимани?»

— «Фотимам — Ватаним, Ватаним — Фотимам, иккингиз ҳам бирдай азиз», деб эркалар эдингиз. Сизни Ватан севади».

— «Севади, биламан, севади. Хоинлар ана шу севгимни кўролмайди».

— «Кимдир келяпти!»

— «Фотима, шошма!»

Эшик тагига оёқ шарпаси яқинлашиб, Сирож Соҳибов ўрнидан беихтиёр турди. Соқчи кечқурунга нон-чой олиб келиб:

— Бунча хотин талашган бўйдоқлардай учаларинг уч тарафга қараб олибсизлар, — деди. Унинг ҳазилига учалалари ҳам гап қўшишмади. У чиқиб кетгандан кейин Салмон ота Сирож Соҳибовга:

— Нимани ўйладингиз? — деб сўради. — Овозингизни чиқармай лабингизни қимирлатдингиз.

— Фотимани ўйладим.

— Фотимани! — Салмон ота лабини тишлади, беихтиёр бошини тебратди. «У кимларнидир бўралаб сўкяпти десам, Фотимахонни ўйлабди». Салмон ота бир неча дақиқа жим қолиб, кейин:

— Ажойиб умр йўлдошингиз бор эди, — деди тўлқинланиб, — дунё шунақа экан-да!

— Усиз яшолмайман деб юрардим. Балодай яшадим.

Салмон ота бир нима эсига тушгандай, Ҳидоятилло ҳазратга сирли қаради, ё унинг ғашини келтирмоқчи, ё синамоқчи бўлиб, унга эмас, Сирож Соҳибовга:

— Заифа дорилбақоға юз тутиши билан эри унга номаҳрам ҳисобланади дейишар эди, — деди, — яна Ҳидоятилло ҳазрат «нега марҳумани эслаяпсиз» деб ғазабламасинлар!

— Бу бирор хотинбоз мулла ўйлаб топган найранг, — деди Ҳидоятилло ҳазрат аччиқланиб. Ўнг қўлининг кафти билан лабларини ушлаб-ушлаб нон-чой қўйилган лойсупага яқинлашди, — бундай бемаза гап на Қуръони шарифда, на Ҳадиси шарифда бор!

— Йўқми?

— Йўқ!

— Буни кўп муллададан эшитган эдим, — уни мазах қилмоқчи бўлган Салмон ота бошини эгди.

— Мен ҳам эшитган эдим. Сизга ўхшаган бир саллали ҳазрат «шундай-шундай», фалон китобда бор эди, деб ваъз айтгани эсимда. Шариатингиз хотинбозликка йўл очиб қўйган-ку! Хотини ўлса тани совимасдан уйлансин, деб ғамхўрлик қилса қилгандир-да. — деди Сирож Соҳибов Салмон отани хижолатликдан чиқаришга уриниб, — эски китобларда бундан баттар гаплар ҳам кўп-ку!

— Ло илоҳо иллолоҳу Муҳаммадун расул-оллоҳ, — деб Ҳидоятиллуо ҳазрат калима келтирди, кўзлари олайиб кетди, киприксиз мижжалари яна қизариб кетгандай бўлди, — сўзларингизни эшитган одамнинг охирати куяди. Сиз боши кулфатдан чиқмайдиган, ҳамманинг нафратига учраган юзи қорасиз. Сиз ҳеч кимга кераги йўқ гумроҳсиз!

Сирож Соҳибов Салмон отага қараб кулди. Бундан Ҳидоятилло ҳазратнинг фиғони баттар кўтарилиб, енгил-енгил қадам босиб, иккала ҳамхонасининг атрофида асабий айланди.

— Менга бундай куфр сўзларни айтмоқдан охирги ниятингиз не ўзи? — деди у ниҳоят ўзини босиб, ёлвориш оҳангда, — ё ақлдан озиб қолгансиз. Ҳушингизни йиғинг, отангизга тош кўтарманг!

— Қанақа тош?

— Мусулмон фарзандисиз. Одамларга суянинг. Унутманг, Қуръони шарифда «кулли муслимина ихватун» дейилган!

— Бу нима дегани?

— Барча мусулмонлар оғи-ини!

— Йўқ, бизники бошқачароқ, — деди Сирож Соҳибов босиқлик билан, — буни ўзингиз ҳам биласиз.

— Биламан. «Бутун дунё йўқсиллари бирлашингиз» деб динга, имонга от солиб, одамларни бир-бирига қайраб, оламнинг тинчлигини бузяпсизлар. Бойларни ҳавас қилмаган, улардай бўлишни Оллоҳдан сўрамаган, улардан ибрат олмаган одамнинг косаси ҳеч ҳам оқармайди. Дунё дунё бўлибдики, бойлар қувғин қилинганини зоти башар кўрмаган. Эгалик ҳуқуқини тан олмаслик, ахир, бу инсоннинг тирик жон эканини ўйламаслик! Ўша гадойларнинг, ўша йўқсилларнинг илдизини биласизларми? — Ҳидоятилло ҳазрат куйиниб, кўнглидан ўтиб юрган сўзларни айтиб олишга шошилди. — Уларнинг илдизи ишёқмаслик, жонни койитишни истамаслик, каллани ишлатмаслик! «Бутун дунё йўқсилларини бирлаштираман» деганлардан биттаси сизми? Саробни тоғ деб, унга ўзингизни фидо қилиб, соғлиғингиздан, оилангиздан айрилибсиз! Ўша йўқсиллар сизга ўхшаган кўнгли пок кишилар ёрдамида ўзини тиклаб олиб, нега энди уларни авахтага ташлаяпти?

— Ташласа ташлар. Сизга нима? «Аввал таом, бад аз калом» деганлар. Қани, ўтиринг, чойингиз совиб қоляпти, — деди Сирож Соҳибов бошини тебратиб, вазминлик билан.

Ҳидоятилло ҳазрат супача ёнига дарров ўтириб, аввал нонга, кейин чойга шошилиб қўл узатди. Дастурхон йиғилгандан кейин Сирож Соҳибов Ҳидоятилло ҳазратга мутлоқ қарамай, Салмон ота билан юзма-юз ўтириб, у билан ёшлик йилларидаги воқеаларни биргалашиб эслагиси келди. Ҳидоятилло ҳазрат жимликни бузишга, уларни яна баҳсга тортишга мавриди тополмай, ухлаш учун одатдагидай бошини бутунлай буркаб олди. Сирож Соҳибовнинг назарида бу одам бошқалардай жўн суҳбатлашиб ўтиролмайди: рўбарўсида ким бўлмасин ё қопонғич итдай ташланади, ё сўзи сўзига тўғри келиб қолса, унинг қули бўлади-қўяди, ё ўзини бир-бир четкага олиб йўқдай бўлиб кўринади. Иккала қадрдоннинг ҳам суҳбатни давом эттиришга майли бўлмай, имо-ишора билан чироқни ўчириб, ўринларига чўзилишди. Иккалалари ҳам ҳозир Ҳидоятилло ҳазратни ўйлашар эди. «Наҳотки, унинг аччиқ гапларини кесадиган, уни довдиратиб қўядиган сўз топилмаса, бирор ҳақиқатни мисол келтириб, унинг бошини эгиб қўйиша олмаса, — Сирож Соҳибовнинг ич-ичини алам тирнади. — Ақлу идроким сусайиб бораётганга ўхшайди». Салмон ота эса гоҳ Ҳидоятилло ҳазратни, гоҳ Сирож Соҳибовни ўйлаб, гоҳ иккаласини бир-бирига қориштириб, худди баданни қичитадиган ўт устида ётгандай туни билан ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа ағанаб чиқди. Эрталаб ҳам овқат олиб келадиган соқчидан бошқа ҳеч ким уларни безовта қилмади. Тушга яқин Сирож Соҳибовни олиб чиқиб кетишди. У бирор соатлардан кейин қайтиб келганда, хонада Ҳидоятилло ҳазратнинг ўзи ёлғиз эди. Ундан Салмон отани қачон чақиришганини сўрагиси келмади. Ҳидоятилло ҳазрат Сирож Соҳибовнинг гаплашгиси йўқлигини сезиб турса ҳам, тепасига келиб:

— Сўроққа чақиришибдими? — деб сўради.

— Ҳазрат билан мунозарани давом эттира беринглар, деди.

Тўғри жавоб ололмаслигини билган Ҳидоятилло ҳазрат ўзича ғудираб-ғудираб жим бўлди. Салмон ота кириб келганда у яна ўша саволни қайтарди. Салмон ота ҳам худди Сирож Соҳибов билан келишиб олгандай, унинг саволига қўл силтади.

— Ё қудратингдан, булар ким ўзи? — деди у тутоқиб. — Нималарингга keриласизлар! Сизлар худди мендай Шўронинг маҳбусисизларку?

Салмон отанинг жаҳли чиқиб, унга яқинлашиб бораётганини кўриб, Сирож Соҳибов «қўл кўтариш ожизлик белгиси» деб кўнглидан ўтказди. — «Ахир у тенгимиз эмас-ку». У Салмон отага алам билан:

— Лойга тош отманг, — деди.

— Мен лойми?

— Лойсиз!

— Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ, деганлар. Ўзингиз тўридан гўри яқин одамсиз... Қани, ҳозир ойна бўлса, ўзингизнинг башарангизни бир кўрсангиз...

— Ойнага сиз қаранг, менинг қарашга ҳам, ўлишга ҳам вақтим йўқ!

— Вақтингиз йўқ, вақтингиз йўқ, — деди Ҳидоятилло ҳазрат гапдан қолгиси келмай, — Сиздайларни кўп кўрганман. Дунёга устун бўламан деб уриниб-уриниб, охири ерга ташланган қовун пўчоғидай сасиб-чириб адо бўлади.

— Сиз аламзадасиз, илдизингиз йўқлигидан аламзадасиз. Худди понаси тушиб қолган кетмон сопидай шилиқлаб турганингизга чидолмай кўринганга ташланасиз.

— Ҳали сизда илдиз бор-у, бизда у йўқми? Сизларнинг илдизларинг мақтанчоқлик. Сизлар ҳеч қачон «ўзим билсам бўлди» деб иш қилмайсизлар. — Ҳидоятилло ҳазрат лаблари титраб гапирди. — Сизлар ҳамиша «шу ишимни юқоридагилар кўриши, маъқуллаши, мукофотлаши керак» деб умидвор бўлиб турасизлар. Жамиятларинг ҳали ўзини ўнглаб олмай туриб, чиришни бошлади. Ўша одамхўр Ленинларингиз, — деди у қўрқмасдан, — бу жамият келтириб чиқарадиган порахўрлик, манманлик, хушомадгўйлик, исрофгарчилик авж олишидан қўрқиб ёзганини ўқиганмисиз? Итнинг феъли эгасига маълум-да!

— Қўрққан эмас, огоҳлантирган, — Сирож Соҳибов ғазабланди. — Ленинни ҳақоратлаганингиз учун тилингизни суғириб олиш керак.

— Қани, кучингиз етса, суғириб олинг. Юрагимдаги бу гапларни улардан яширсам ҳам, — деди Ҳидоятилло ташқарига имо қилиб, — сизлардан яширмайман. Ахир сизлар халқ душмани-ку? Сизларнинг бу ерда мен билан рўбарўма-рўбару туришингизнинг ўзи жамиятингизнинг чириб бораётганига ишора эмасми?— Ҳидоятилло ҳазрат ҳужумни қўлдан чиқармасликка уринди. — Камина ҳожатул исломман. Бу ерга ҳам уни тарғиб этганим учун олиб келишган. Сизларни-чи? Хону амирларимизни, бегу бойларимизни йўқотиб, Шўро ҳукумати туғини кўтариб, йўқсиллардан чиқиб, фирқага раҳбарлик қилиб, охири нима кўрдиларинг? Бугун ўша ҳукуматларинг пешоналарингга «халқ душмани» тамғасини босиб, сизлар билан ким яқин бўлса, териб-териб соқчиларга топширишяпти. Бунга нима дейсизлар?

— Хатоларимиз йўқ эмас. — Сирож Соҳибов ғижиниб кетди. — Ана шу хатолар касофатидан биз бугун сизга ўхшаган текин томоқлар билан тенг бўлиб турибмиз. Аммо бу ўткинчи шабада. Шунинг учун ҳам ўзимизни у тоғдан-бу тоққа ураётганимиз йўқ, кўз ёши тўкаётганимиз йўқ! Шуни унутмангки, бизнинг жамиятни халқ бошқаряпти. Ленин айтгандай, биз энди ўз вазифамизни кечагидан кўра анча аниқроқ, равшанроқ биламиз: биз хатоларимизни тузатиш учун уларни рўй-рост кўрсатишдан ҳайиқмаймиз. Раҳбарларга келсак, улар бундан кейин ўзгариб туради, эплолмадими — четкага чиқариб қўйилади, халқ ўзгармайди, фирқамиз ўзгармайди. Шунинг ўзи илдизимизнинг абадийлиги эмасми?!

— Сиз ўзингизни ўзингиз билмаган, Ленининг ёлғон эртакларидан боши айланган, баландпарвоз гапларга ўч одамсиз. Сизнинг миянгизни заҳарлаб, кўзларингизни хиралаштириб қўйишган. Сиз энди энг оддий ҳақиқатни ҳам кўролмайсиз, қизил гаплардан бошқасини идрок қилолмайсиз! Аммо атрофингиздагилар ана шу ялтироқ сўзларингизни ақлдан деб, ундан қўрқишади. Донишманд деб, ҳурмати баланд деб, сиздан ҳадиксирашади.

— Бўлмаган гап!

— Сизнинг фаросатингиз эса, бунга ҳали ҳам етгани йўқ, — деди Ҳидоятилло ҳазрат Сирож Соҳибовга ачинаётганини билдириб, — азал-азалдан ҳикмат шуки, қайси амалдор қўрқоқ бўлса, ўз қўл остидаги кишилардан бирортасининг ўзидан ақлли, жасоратли бўлишини истамайди. Сизни бир амаллаб, суриб олишдими, энди яна «кўкараман» деб овора бўлманг.

— Сиз майда фикрлисиз. Сиз одамларни чалғитиш хаёли билан яшайсиз, — деди Сирож Соҳибов. У Салмон отага қараб, унинг лоқайд ҳолатини кўриб, ғаши келди, яна Ҳидоятиллога тикилди. — Сиз жамиятимизнинг жуда хавфли душманисиз!

— Нима деб ўйласангиз, майли, ихтиёрингиз, аммо ўша халқингиз, ўша жамиятингиз бугун мендан кўра сизни ўзи учун хавфли деб ўйлайди. Ҳали мени бўшатиб юборишади, сизга эса, озодликка чиқиш насиб этадими йўқми, якка-ёлғиз Оллоҳ билади.

## ТАФАККУР ГУЛШАНИ

*Яхши китоб муаллифнинг одамзод учун аталган тортиғидир.*

**Ж. АДДИСОН.**

* * *

*Кимки билимдонлиги ёки донолигини кўз-кўз қилса, унда билимдонлик ҳам, донолик ҳам йўқ деяверинг.*

**Э. ХЭМИНГУЭЙ.**

* * *

*Ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам, унга қулоқ сол.*

**ҚОБУС.**

* * *

*Дилингдагини шартта айтишга ҳамма вақт тайёр турсанг, муттаҳам сендан қочади.*

**У. БЛЕЙК.**

* * *

*Хатоларингизни очиб ташлаган душман уларни хаспўшлайдиган дўстдан кўра анча-мунча нафли.*

**Леонардо ДА ВИНЧИ.**

* * *

*Дўстларнинг бўлар-бўлмас мақтовлари баъзан ўша мақтовларнинг самимийлигига шубҳа туғдирар экан, унда душманларнинг ҳасадига тўла ишониш мумкин.*

**К. ИММЕРМАН.**

## Донолардан сабоқлар

### ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН

**Ота-она фарзандга зулм қилса ҳам, улар ота-онага яхшилик қилавериши кераклиги ҳақида**

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади. «Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди», — дейдилар. Шунда бир киши: «Агарда ота-оналар болага зулм қилса, бола нима қилиши керак?» — деб сўради. Абдуллоҳ: «Агар улар болага зулм қилсалар ҳам, бола уларни ранжитмаслиги керак», — дедилар.

### ОТА-ОНАНИНГ ДУОСИ ҲАҚИДА

Абу Ҳурайра айтдилар: Расулуллоҳ: «Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси — мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси», деганлар.

КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙЛИК ЁКИ МАҚОЛЛАР ИЗОҲИ

## ЁТДАН АЙТИБ ЮБОРСАНГ, ЧЕТДАН АЙТГАН БЎЛАСАН

Халқимиз меҳмондўстликни азалдан улуғлаб келган ва ўз меҳмондўстлиги билан қадимдан машҳур бўлган. Халқ ўртасида меҳондўстлик, меҳмоннавозлик билан боғлиқ бўлган бир қатор таомиллар, тартиб-қоидалар мавжуд. Кишиларни меҳмонга таклиф этиш одоби ва тартиб-қоидалари ана шулар жумласидандир. Мазмуни: «Бировни меҳмондорчиликка таклиф қиладиган бўлсанг, ўзинг бориб айт, ёхуд фарзандингдан, оиланг аъзоларидан, жуда бўлмаганда, энг яқин қариндошингдан бирини юбор. Бегона, ёт одамдан оғзаки айтиб юборсанг-у, у бориб: «фалон-фалончиникига борар экансиз» деса — ўрнига ўтмайди, меҳмонга таклиф қилаётган одамнинг кўнглига келади, ҳатто жаҳли чиқиб, уйингга келмайди ҳам», дейилмоқчи.



**Шукроналик.**

**А. АБДУРАҲИМОВ сурат-лавҳаси.**

## ИБН СИНО ДЕЙДИЛАРКИ...

# ШАФТОЛИ

***...Пишган шафтоли меъда учун яхши бўлиб, унда овқатга иштаҳа туғдириш хусусияти бор. Аммо шафтолини овқат устига ейиш керак эмас, чунки уни бузади ва ўзи ҳам бузилади, шунинг учун уни овқатланишдан илгари ейиш керак.***

Қуритилган шафтоли кеч ҳазм бўлади ва озиқлиги кўп бўлса ҳам яхши озиқ эмас.

Шафтолининг баргидан олинган суви қулоққа томизилса қуртларни ўлдиради; унинг, ёғи бош ярмининг оғришида, иссиқдан ва совуқдан пайдо бўлган қулоқ оғриқларига фойда қилади.

Халқ табобатчилигида шафтоли мевалари овқатни ҳазм қилдирувчи, қайт қилишни тўхтатувчи омил сифатида тавсия этилади. Шафтоли баргларининг шарбати ёки баргидан тайёрланган қайнатмадан ревматизм, бош оғриғи, баъзи ошқозон-ичак хасталикларини даволашда фойдаланилади.

Шафтоли баргларидан тайёрланган ванна экземага даво ҳисобланади. Гули ва ён барглари шираси болалардаги гижжаларни туширишда ёрдам беради. Уруғ қайнатмаси буйрак ва қовуқдаги тошни эритиб тушириш хосиятига эга.

Мевасини сувда қайнатиб тайёрланган қиёмдан гижжаларни тушириш ва юрак қисишини даволаш учун кунига 100 граммдан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Буйрак, қовуқдаги тошни эритиш ва қийналиб сийишни даволаш учун шафтоли, қовун, турп уруғидан 24 граммдан олиб, 16 грамм асал ва шакар қўшиб аралашма тайёрланади ва ҳар куни наҳорда ейилади.

***Наркоздан кейин ўзига келган одамга жарроҳ депти:***

***— Операция муваффақиятли ўтди.***

***— Раҳмат, аммо менинг операция хонасига киришимдан мақсад водопровод жўмрагини тузатиш эди.***

* * *

***— Кампир, кел, бир ёшлигимизни эслайлик.***

***— Майли. Бор, дарвозанинг олдига чиқиб, мени кутиб тур.***

***Чол чиқиб кута бошлапти. Бир соат, икки соат кутипти — кампирдан дарак йўқ. Роса совқотгандан кейин хонага кириб сўрапти:***

***— Ҳа, кампир, нега чиқмадинг?***

***— Ойим рухсат бермадилар.***

* * *

***Дорихонадан чиққан одамнинг орқасидан сотувчи етиб олиб, дейди:***

***— Ҳой, биродар! Ҳозир сиз глюконат-кальций олдингиз-а! Дарров қайтаринг.***

***— Нега?***

***Адашиб сизга цианистий-калий берибман.***

***— Мен уни ичиб қўйдим.***

***— Бўлмаса кассага 16 тийин қўшимча тўланг.***

* * *





***Магазинда ҳаммаёқ топ-тоза, кўзни қамаштирадиган даражада чиройли.***

***— Менга бир кило гўшт ўраб беринг.***

***Оппоқ халат кийган сотувчи жувон оппоқ қоғозни олиб дейди:***

***— Қани, беринг гўштингизни?***

* * *

***— Ўғлингиз имтиҳонларни яхши топширдими?***

***— Йўқ, унчалик эмас. Лекин унда айб йўқ. Болагинамдан туғилмасдан аввалги воқеаларни сўрашипти.***

## Ўзбек тансиқ таомлари

### ГУРУЧ ЛАҒМОН

Бунинг учун доғланган ёғда тўғралган пиёз билан саримсоқни жазлайсиз, унча қизариб кетмасдан туриб «чумчуқ тили» қилиб майда тўғралган ёки мясорубкадан ўтказилган гўштқийма солиб аралаштириб турасиз, сели чиқа бошлаганда тўғралган помидор, чучук қалампир қўшасиз, помидор эзилганда сомонча қилиб тўғралган сабзи, турп, карам ҳамда қирқилган селдир ва укропни қаватлаб солиб, масаллиқнинг юзидан бироз ортиб турарли даражада сув қуйиб, оловини пастлатиб 1 соатча милтиратиб қайнатасиз.

Сўнгра туз ва таъбга кўра қалампир соласиз. Ушбу қайлага яна жанду ловиясининг думбилидан олиб, қузоқларининг пўчоғи билан бирга барчасини тўғраб солсангиз, янада тотли чиқади. Ёки жусай майсасидан қирқиб солсангиз ҳам бўлаверади.

Дастурхонга тортишда косаларга пиширилган гуручдан ярим-ярим солиб устидан иссиқ қайлани қуясиз. Алоҳида идишларда узум сиркаси ва лозижон келтирасиз.

### ҚИЙМА ДИМЛАМА

Ушбу тансиқ таом ёғсизроқ қўй ё мол гўштининг сон қисмидан тайёрланади. Бунинг учун гўштни ё чумчуқ тили қилиб тўғраш, ёки қиймалаш зарур. Қиймага туз, зира ва мурч сепиб, пиёзни майин тўғраб қўшиб мижийсиз ва олиб қўятурасиз. Саримсоқ пиёзнинг узун-узун танасидан олиб, учидан гажагини кесиб ташланг, яхши ювиб, узунлигини 4-5 сантиметр келадиган қилиб қирқинг. Товада ё қозонда ёғни доғлаб, қиймани солиб ковлаб-ковлаб, чала қовуринг, устидан бир пиёла сув севалаб саримсоқ танасини солиб, аралаштириб димлаб қўйинг. Олови дарҳол пастлатилиб 40 дақиқагача дам еб тургандан сўнг таом тайёр бўлади. Дастурхонга тортишда ликопчаларга тақсимлаб алоҳида идишда сабзавот гарнир ёки салат берасиз, шишачада узум сиркаси ҳам қўйилади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — А. Абдураҳмонов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001   Буюртма Г. — 0444   31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.   Офсет усулида босилган.   Қоғоз бичими А—2   **Босишга топшириш вақти—21.00**   **Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.   Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.   Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**   Босишга топширилди — 23.05   1 2 3 4 5 6